

## **“Ўзагросуғурта” АЖ акциядорларининг ДИҚҚАТИГА!**

### **ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

**2024 йилнинг 4 март куни соат 17.00 да “Ўзагросуғурта” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яхё Гуломов кўчаси 1-йуда жойлашган маъмурий биносида ўтказилади.**

#### **Кун тартиби:**

- 1. Саноқ комиссияси азолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг Регламентини тасдиқлаш.**
- 3. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.**
- 4. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятининг 2024 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.**
- 5. “Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув кенгашининг айрим аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва бўшаган ўринларга янги аъзоларни сайлаш.**
- 6. “Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув кенгашини мукофотлаш тартиби тўғрисидаги Низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш.**
- 7. “Ўзагросуғурта” АЖ Ижроия органига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.**
- 8. “Ўзагросуғурта” АЖ ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.**
- 9. “Ўзагросуғурта” АЖ Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун 2024 йилнинг 9 февраль куни ҳолатига, йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш учун 2024 йилнинг 28 февраль куни ҳолатига акциядорлар реестри шакллантирилади.

Йиғилишга иштирокчилар видеоконференц алоқа орқали жалб қилиниши мумкин.

Акциядорлар йиғилишга оид ахборот (материаллар) билан “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқарувининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яхё Гуломов кўчаси 1-йуда жойлашган маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Маълумот учун телефон: +998-71-203-20-22 (1034)**

**“Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув кенгashi.**